

ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАР Янги Сторона

Замонавий сиёсатшуносликда ҳар қандай давлатнинг ривожланиш траекториясини жамият ҳамда давлат ўртасидаги мулоқотнинг қай даражада очиқ ва конструктивлиги белгилайди.

Биз бугун 2017 йилдан бошланган ислохотларни фақат иқтисодий кўрсаткичлар йиғиндиси эмас, балки давлат, фуқаролик институтлари ва аҳоли ўртасидаги муносабатларни қайта қуришга қаратилган сиёсий жараён сифатида кўра бошладик. Илгари асосан давлат бошқаруви устуворлиги орқали ифодаланган ёндашувлар бугунга келиб, ўз ўрнини босқичма-босқичлик асосида «инсон кадри», «очиқ мулоқот», «ҳисобдорлик» каби демократик тамойилларга бўшашиб бермоқда.

ПАРД

сиёсатда

АЗАМАТ ПАРДАЕВ,
Демократик
жараёнларни таҳлил
қилиш маркази раҳбари



2017

**2017–2021 йилларга мўлжалланган
Харакатлар стратегияси давлат ва жамият
ривожини жадаллаштириш, барча соҳаларни
либераллаштиришнинг институционал
дастурига айланди, десак хато бўлмайди.
2023 йили қабул қилинган «Ўзбекистон –
2030» стратегияси эса ушбу тажрибани узок
муддатли ва барқарор ривожланишнинг
мутлақо янги моделига айлантирди.**

Янги Ўзбекистон ислохотларининг энг муҳим хусусияти шундаки, уларнинг марказидан «шахс – жамият – давлат» муносабатининг илғор формуласи жой олди. Аввалги ёндашувда кўпроқ давлат бошқаруви устуворлиги кўзга ташланган бўлса, янги босқичда демократик тамойиллар давлатчилик мезонига айланди. Шу маънода, бу даврни шунчаки ислохотлар эмас, балки миллий давлатчилик тизими фалсафасининг ўзига хос юксалиш даври, деб атасак, мақсадга мувофиқ бўлади. Умумхалқ муҳокамаларидан кейин қабул қилинган Конституциямизда эса Янги Ўзбекистоннинг «ижтимоий давлат» мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаб қўйилгани демократик янгиланишларнинг мантикий ва институционал пойдеворини янада кучайтирди. 2023 йили Президент ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ташкил этилиши, барча ҳудудларда замонавий «Инсон» марказларининг ишга туширилиши, маҳаллаларда эса 100 дан ортиқ турдаги ижтимоий хизматлар йўлга қўйилгани, аслида, ижтимоий давлат ғоясининг амалий ифодаси эди. Шу ўринда айнан ана шу даврда камбағалликни қисқарти-

ришда кутилганидан ҳам зиёд натижаларга эришилганини айтиш керак: жаҳон банки баҳосига кўра, миллий камбағаллик чизиги бўйича кўрсаткич 2021 йилдаги 17 фоиздан 2023 йилда 11 фоизга, 2024 йил якунлари бўйича эса 8,9, 2025 йилда эса 5,8 фоизгача пасайди. Дастлабки ўзгаришлар асносида очиқлик ва сўз эркинлиги сиёсати ҳам тубдан ўзгарди, илгари ижтимоий-иқтисодий муаммоларни очиқ муҳокама қилиш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатиш ёки танқидий фикр билдириш амалиёти чекланган бўлса, энди конструктив муҳокамалар, дахлдорлик ва фуқаролик позицияси кескин кучайди. Шу ўринда, Конституциявий ислохотлар жараёнида фуқаролар томонидан 220 мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилгани, ҳар қандай қонун лойиҳасининг regulation.gov.uz портали орқали жамоатчиликка ҳавола этилаётгани сиёсий бефарқлик ўрнини масъулият ҳисси эгаллаганидан далолат эди. Эътибор беринг: 2016 йили республикада 1514 та оммавий ахборот воситаси фаолият юритган бўлса, бугун улар сони 2400 тага етди.

Эътиборлиси, ушбу ОАВларнинг 65 фоизи нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келмоқда. Хусусий нашрлар, телерадиоканаллар ва интернет ресурсларининг кўпайиши фойдаланувчилар сонининг 14,7 миллиондан 32,7 миллионгача ўсишига, ахборот контентларини яратувчилар қатламининг эса сезиларли даражада кенгайишига олиб келди. Бу жараён ахборот майдонида очиқлик ва шаффофликни кучайтириш билан бирга, давлат органлари ва мансбдор шахслар фаолиятига нисбатан масъулиятни ҳам оширди.

Илгари камбағаллик, ишсизлик, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимидаги камчиликлар, шунингдек, атроф-муҳит билан боғлиқ муаммолар етарлича ёритилмаган бўлса, бугун ушбу мавзулар жамоатчилик эътиборидаги асосий нуқталарга айланди. 2023 йили умумхалқ референдуми асосида қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияга «Фуқаролик жамияти институтлари» деб номланган «XIII боб» киритилгани эса чиндан ҳам тарихий воқелик бўлди. Ушбу бобнинг 69–75-моддалари фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқлари, фаолияти ва кафолатларини аниқ белгилаб берди.

Бугунга келиб, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини тартибга солишга оид 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амал қилмоқда. 2021 йили эса Президент Фармони билан қабул қилинган «2021–2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» соҳадаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариб, ривожланишнинг яқин ва ўрта муддатли истикболларини белгилаб берди. Бундан ташқари «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида Ўзбекистонни фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича хабга айлантириш вазифаси асосий мақсад этиб қўйилди.

Қайд этиш жоизки, айти пайтда мамлакатимизда 9 627 та нодавлат нотижорат ташкилоти, 9008 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, 2 490 та оммавий ахборот воситаси ва 3 мингга яқин турли жамоат тузилмалари фаолият юритмоқда.

Агар 2021 йили 30 та ННТ давлат дастурларида қатнашган бўлса, 2025 йилга келиб улар сони 80 тага етди. ННТларнинг иштирок доираси эса 350 та банд ижросигача кенгайди.

Ўз навбатида фуқаролик жамияти инатитутларини қўллаб-қувватлашнинг молиявий ва ташкилий механизмлари ҳам мустаҳкамланмоқда. 2017–2025 йилларда 40 та ННТга давлат субсидияси доирасида ажратилган 3 194,6 млрд сўм миқдоридаги маблағ давлат дастурларининг мақсади ва мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, иқти-



дорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда жамиятда маърифий ишларни юксалтириш ишларига йўналтирилди. Давлат грантлари доирасида 3067 та лойиҳага 163,2 млрд сўм ажратилиб, 25 мингдан ортиқ фуқарога ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва психологик ёрдам кўрсатилди, 100 мингдан зиёд фуқаронинг касбий билим ва кўникмалари оширилди.

Тарихга назар ташласак, маҳалла тушунчаси асрлар давомида ўзбек давлатчилиги ва жамиятининг маънавий-маданий ўзаги сифатида шаклланиб келганини кўрамыз. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг давлатчилик фалсафаси ва Янги Ўзбекистоннинг сиёсий модернизацияси доирасида маҳалла институти ҳам сифат жиҳатидан мутлақо янги, институционал жиҳатдан эса қудратли марказга айлантирилди.

2017 йилдан бошлаб ушбу институтни давлат сиёсати даражасида қўллаб-қувватлаш янги босқичга чиққанини мутахассислар бежиз таъкидлашмаяпти.



Бугунга келиб, республикадаги 9 008 та маҳаллада айнан халқ ишончини қозонган лидерлар фаолият юритмоқда.

Энди камбағалликни қисқартириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва манзилли ижтимоий ҳимоя кўрсатиш каби давлатнинг энг йирик ижтимоий лойиҳалари фақатгина юқори турувчи давлат органлари даражасида эмас, балки бевосита маҳалланинг ўзида, фуқаролар иштирокида ҳал қилинмоқда.

Янги Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида парламентнинг роли ҳам янги даражага кўтарилди. Бугун Президент ташаббуси билан амалга оширилаётган ислохотлар халқ манфаатлари устуворлиги, фуқаролар розилиги ва мамлакат фаровонлигини барқарор таъминлаш каби мезонлар асосида баҳоланмоқда. Шу нуқтаи назардан, 2025 йилнинг 26 декабрида Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган навбатдаги Мурожаатномаси Қонунчилик палатаси учун стратегик йўл харитасига айланди, дейиш мумкин. Унда 2026 ва келгуси беш йиллик марралар, шу жумладан, 2030 йилгача технологик-инновацион ўсиш моделига ўтиш каби стратегик йўналишлар аниқ-тиниқ белгилаб берилди.

Маълумки, 2025 йилги чақириқ Қонунчилик палатаси учун юқори сиёсий легитимлик ва салмоқли янгиланиш билан бошланган эди. Ўшанда янги сайлов тизими асосида 150 нафар депутат кўп-партиявийлик тамойили асосида шаклланиб, парламентда ЎзЛиДеП 64 та ўринни, «Миллий тикланиш» 29, «Адолат» СДП 21, ЎзХДП 20, Экологик партия эса 16 та ўринни эгаллаганди. Палата таркиби қарийб 60 фоизга янгиланиб, 87 нафар янги депутат сайланган хотин-қизлар улуши 38 фоизга, яъни 57 нафарга етган эди. Барча депутатларнинг олий маълумотли экани, уларнинг 15 фоизи хорижда таҳсил олгани, 3 нафар ногиронлиги

бўлган фуқаронинг илк бор депутат этиб сайлангани ва 63 нафар депутатнинг қайта сайлангани парламент қуйи палатасида ўзвийлик ва профессионал салоҳият сақланиб қолганини кўрсатади. Шу билан бирга, ЎзЛиДеП ва «Миллий тикланиш»нинг «Тараққиёт блоки»ни тузгани, ЎзХДП эса ўзини парламент муҳолифати сифатида эълон қилгани қонун ижодкорлиги ва назорат жараёнларида сиёсий баҳс-мунозара муҳитини кучайтирди. Парламентда қонун ижодкорлиги кўлами ҳам сезиларли даражада кенгайди. Бунини 2025 йили Қонунчилик палатасида жами 204 та қонун лойиҳаси, шунингдек, маъмурий-ҳудудий тузилишга оид 3 та қарор лойиҳаси кўриб чиқилганида ҳам кўриш мумкин. Мазкур қонун лойиҳаларининг 22 таси депутатларнинг бевосита ташаббуси билан киритилди. Қиёсий жиҳатдан қараганда, 2020 йили 149 та қонун лойиҳаси кўриб чиқилиб, уларнинг 12 тасигина депутатлар ташаббуси билан киритилган эди.



2016 ЙИЛИ РЕСПУБЛИКАДА 1514 ТА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАСИ ФАОЛИЯТ ЮРИТГАН БЎЛСА,

БУГУН УЛАР Сони 2400 ТАГА ЕТДИ. ЗЪТИБОРЛИСИ, УШБУ ОАВЛАРНИНГ 65 ФОИЗИ НОДАВЛАТ СЕКТОРИ ҲИССАСИГА ТЎҒРИ КЕЛМОҚДА. ХУСУСИЙ НАШРЛАР, ТЕЛЕРАДИОКАНАЛЛАР ВА ИНТЕРНЕТ РЕСУРСЛАРИНИНГ КўПАЙИШИ Фойдаланувчилар сонининг 14,7 МИЛЛИОНДАН 32,7 МИЛЛИОНГАЧА ўСИШИГА, АХБОРОТ КОНТЕНТЛАРИНИ ЯРАТУВЧИЛАР ҚАТЛАМИНИНГ ЭСА СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА КЕНГАЙИШИГА ОЛИБ КЕЛДИ.

2025

Йил Парламент назорати соҳасида ҳам сифат жиҳатидан янги босқич бўлганини айтиш жоиз. Вазирлар Маҳкамасининг давлат дастурлари ижроси бўйича ҳисоботи икки марта, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ижросига оид ҳисоботлар беш марта кўриб чиқилди. Ҳукумат аъзолари ва давлат органлари раҳбарларининг жами 27 марта ахбороти эшитилди, шундан 16 таси қонунчиликда белгиланган ваколатлар доирасида, 11 таси фракциялар ва қўмиталар ташаббуси асосида ташкил этилди. «Ҳукумат соати» доирасида эса 9 нафар ҳукумат аъзосининг ҳисоботлари эшитилди, мансабдор шахсларга 15 та парламент сўрови юборилди. Шу ўринда энг муҳим масала – Давлат молиясини бошқаришда парламентнинг ўрни кескин кучайтирилганини айтиш керак. 2020 йили Давлат бюджети илк бор қонун шаклида қабул қилиниши амалиёти йўлга қўйилиб, ўрта муддатли бюджетни режалаштириш механизми жорий этилди, очиқлик ва жамоатчилик назорати ҳам кенгайтирилди. 2025 йилда 18 та вазирлик, 4 та агентлик, 4 та қўмита ва 6 та ташкилотнинг бюджет маблағларидан фойдаланиши бўйича жами 35 маротаба ҳисоботи эшитилди.

Энг асосийси, депутатларнинг сайлов округлари билан ишлаш тизими сезиларли даражада такомиллаштирилди. 2019 йилдан бошлаб ҳар ойнинг охириги ҳафтасида сайлов округларига доимий чиқиш ва аҳоли билан очиқ мулоқотлар ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди. Эътибор беринг: 2025 йили депутатлар 33 мингдан ортиқ объектга боришиб, аҳоли билан 10 мингдан ортиқ учрашувлар ўтказишди, бу жараёнларда 250 мингга яқин фуқаро қамраб олинди, 17 мингдан ортиқ фуқаронинг мурожаатлари бевосита кўриб чиқилди. Ана шундай мулоқотлар натижалари асосида 5 та «Ҳукумат соати», 2 та парламент ва 37 та қўмита эшитуви ташкил этилди, энг муҳими, сайловчиларнинг таклиф ва тавсиялари билан 19 та қонун лойиҳаси ва 50 га яқин таклифлар ишлаб чиқилди. Шу ўринда демократик давлатчилиكنинг ҳақиқий кучини фақат марказий институтлар эмас, балки маҳаллий даражадаги вакиллик органларининг қай даражада таъсирчанлиги

ҳам белгилаётганини таъкидлаш жоиз. Шу нуқтаи назардан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятидаги институционал ислохотлар Янги Ўзбекистондаги демократик модернизациянинг муҳим таркибий қисмига айланишини айтиш жоиз. Яна бир муҳим ўзгариш: 2023 йилги конституциявий ислохотлардан кейин маҳаллий давлат ҳокимиятида вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият органлари ваколатлари аниқлаштирилди, маҳаллий Кенгаш раиси ва ҳоким лавозимлари бир-биридан ажратилди. Яъни, ҳокимиятлар бўлиниши тамойили маҳаллий даражада ҳам таъминланди. Кенгашларга маҳаллий бюджетни қабул қилиш, ҳудудларни ривожлантириш дастурларини тасдиқлаш ва ҳоким ҳисоботини эшитиш ваколатлари берилди. Президентимизнинг 2025 йил 26 декабрдаги Мурожаатномасида ҳам ушбу ўзгариш давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида мувозанатни кучайтиришга ҳизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН

ПОЙТАХТИМИЗДА БАРПО ЭТИЛГАН
ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ,
САМАРҚАНДДАГИ ИМОМ БУХОРИЙ ВА
ИМОМ МОТУРУДИЙ ЗИЁРАТГОҲЛАРИНИНГ
ОБОДОНЛАШТИРИЛИБ, МУҲТАШАМ
МАЖМУАЛАРГА АЙЛАНТИРИЛГАНИ
ЮРТИМИЗ МУСУЛМОНЛАРИНИ ҚУВОНТИРИШ
БАРОБАРИДА, ДУНЁ МУСУЛМОН ОЛАМИ
ЭЪТИБОРИНИ ҲАМ МАМЛАКАТИМИЗГА
КАРАТДИ.



2024

йилнинг 2 феврилидаги ПФ-28-сон Фармонга мувофиқ, «Кучли Кенгаш, ташаббускор ва ҳисобдор ҳоким» тамойили асосида 30 дан ортиқ ваколат маҳаллий Кенгашлар ихтиёрига ўтказилганини халқаро экспертлар ҳам жорий ўзгариш сифатида эътироф этмоқдалар. Бундай янгиланишлар жойларда амалий натижалар учун мустаҳкам замин яратяпти. 2025 йили маҳаллий Кенгашлар томонидан ўтказилган 3 мингдан зиёд сессияларда ҳудудларни ривожлантириш ва аҳоли ҳаётига дахлдор бўлган 30 мингдан ортиқ масала муҳокама қилингани эса ўзгаришларнинг натижадорлигини кўрсатиши мумкин. Депутатларнинг саъй-ҳарака-

ти билан 20 мингга яқин фуқаро камбағалликдан чиқарилди, 23 мингдан зиёд аҳолининг бандлиги таъминланиб, 20 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. 14 мингдан кўпроқ эҳтиёжманд аҳолига дори-дармон ва ортопедик воситалар олишида ёрдам берилди. Бевосита депутатлар ташаббуси билан 5 минг километрдан ортиқ йўл таъмирланди, 6 мингдан зиёд фуқаронинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари Кенгаш қарорлари билан қонунийлаштирилди. Янги Ўзбекистон ислохотлари ҳақида гап кетганида, юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ яшаб, жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётганла-



рини айтиш жоиз.

Айни пайтда юртимизда 2200 дан ортиқ диний ташкилот, 16 та диний конфессия, 157 та миллий маданий марказ, 38 та дўстлик жамияти, хорижда эса 98 та ватандошлар жамияти фаолият юритмоқда. Бу рақамлар Ўзбекистонда тотувлик ва бағрикенглик шунчаки шиор эмас, балки мустаҳкам ижтимоий воқеликка айланини кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пойтахтимизда барпо этилган Ислом цивилизацияси маркази, Самарқанддаги Имом Бухорий ва Имом Мотурудий зиёратгоҳларининг ободонлаштирилиб, мухташам мажмуаларга айлантирилгани юртимиз мусулмонларини қувонтириш баробарида,

дунё мусулмон олами эътиборини ҳам мамлакатимизга қаратди.

Хусусан, Ислом цивилизацияси марказининг барпо этилиши Янги Ўзбекистоннинг маънавий меросни сақлаш, чуқур ўрганиш ва уни замонавий мазмунда жаҳонга намоеъ этишга қаратилган сиёсатида алоҳида ўрин тутди. Ушбу маскан фақат меъморий иншоот эмас, балки бой музей, кутубхона, архив, қўлёзмалар фонди, кўرғазма заллари ва илмий муҳокамалар майдонини бирлаштирган йирик маърифий-маънавий марказ сифатида ҳам дунё аҳли эътиборини торта бошлади. Унинг барпо этилиши аجدодларимизнинг ислом маърифати, илм-фан ва жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссасини тизимли асосда очиб бериш, ўрганиш, ёш авлодни тарихий меросга ҳурмат руҳида тарбиялаш, шунингдек, ислом динининг асл моҳияти тинчлик, тараққиёт ва бағрикенглик эканини халқаро ҳамжамиятига кенгрок етказишга хизмат қилади.

Айниқса, Ислом цивилизацияси маркази Ўзбекистонни дунё давлатлари кўз ўнгида улкан маънавий ва илмий лойиҳалар қадрланадиган юрт сифатида танитди. Бугун қайси бир мамлакат ёки ҳукумат раҳбари, халқаро ташкилот вакили ёки дунёнинг таниқли шахслари юртимизга ташриф буюрмасин, Ўзбекистондаги маънавий янгиланишлар ва бағрикенглик муҳитига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Жаҳоннинг етакчи



АЙНИ ПАЙТДА МАМЛАКАТИМИЗДА 9 627 ТА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИ,

**9008 ТА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ
ОРГАНЛАРИ, 2 490 ТА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАСИ
ВА 3 МИНГГА ЯКИН ТУРЛИ ЖАМОАТ ТУЗИЛМАЛАРИ
ФАОЛИЯТ ЮРИТМОҚДА. АГАР 2021 ЙИЛИ 30 ТА
ННТ ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИДА ҚАТНАШГАН БЎЛСА,
2025 ЙИЛГА КЕЛИБ УЛАР СОНИ 80 ТАГА ЕТДИ.
ННТЛАРНИНГ ИШТИРОК ДОИРАСИ ЭСА 350 ТА БАНД
ИЖРОСИГАЧА КЕНГАЙДИ.**

халқаро оммавий ахборот воситалари – CNN, Euronews, Forbes, The Wall Street Journal, The Economist, Arab News ва China Daily каби нашрлар эса Ислом цивилизацияси марказига «глобал миқёсдаги мегалойиҳа», «Марказий Осиёнинг дурдонаси» ва «ислом цивилизациясига замонавий қарашни шакллантирадиган макон» дея таъриф бермоқдалар.

Ушбу эътирофлар, шубҳасиз, мамлакатимиздаги тинчлик ва тотувлик сиёсати, илм-фан ривожига, аждодлар илмий меросига бўлган юксак эътибор натижасидир. Дунёнинг турли нуқталарида зиддият ва қарама-қаршиликлар кучайиб бораётган бир пайтда Тошкентда Ислом цивилизацияси марказининг очилиши ва у ҳақдаги фикрлар дунё ҳамжамиятини тинчлик ва бағрикенгликни қадрлашга, илмий ва маданий тараққиётни қўллаб-қувватлашга чорловчи муҳим маънавий воқеликка айланди.

Маънавий-маърифий сиёсатимизнинг амалий ва рамзий давоми сифатида Имом Бухорий мажмуасининг янги қиёфада очилиши эса том маънода дунё етакчилари, ислом олами вакиллариининг Янги Ўзбекистондаги ўзгаришларга бўлган эътиборини кучайтирди. 2019 йилдан бошланган қурилиш ишлари натижасида улкан мақбара, 10 минг кишилик масжид, музей, маъмурий бинолар ва 75 метрлик тўрт минорадан иборат йирик мажмуа барпо этилди.



Э

Энг муҳими, улуғ муҳаддис меросини муносиб тарзда намоён этиш билан бирга, зиёратчилар учун энг қулай шароитлар яратилди. Шу маънода, Имом Бухорий мажмуаси нафақат зиёратгоҳ, балки илм, тарбия, ибрат ва бунёдкорлик салоҳиятини ўзида мужассам этган йирик маънавий-маърифий маскан сифатида намоён бўлмоқда. Бугун мактабларимизда 7 та тилда таълим берилаётгани, миллий теле ва радиоканалларда 12 та тилда кўрсатув ва эшиттиришлар эфирга узатилаётгани, газета ва журналлар 14 та тилда чоп этилаётгани мамлакатимизда барча миллат ва элатлар учун тенг шароитлар яратилаётганига ишорадир. Дунёда миллатлар ва конфессиялар ўртасида нифоқ уйғотишга қаратилган ҳаракатлар кучаяётган бир даврда Ўзбекистонда барча миллат ва элатлар аҳилликда яшаб келаётгани, конфессиялараро тотувлик муҳитининг барқарорлиги, шубҳасиз, ҳар қандай давлат учун ибрат бўлмоқда. Энг муҳими, ушбу ислохотлар, ички ва ташқи сиёсатда тотувлик ташаббусининг устувор мазмун касб этаётгани Ўзбекистонни жаҳонда «тинчлик дипломатияси»нинг муҳим иштирокчисига айлантирди. БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Сабине Махлнинг таъкидлашича, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари

борасида сезиларли ҳуқуқий прогресс юз берди. Хусусан, ННТларни қайта рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг рамзларини давлат рўйхатига олиш муддатининг 1 ойдан 15 кунга қисқартирилгани бюрократик тўсиқларни камайтириш йўлидаги муҳим қадам сифатида эътироф этилмоқда. Унинг фикрича, Президент Шавкат Мирзиёевнинг фуқаролик жамияти институтларининг давлат бошқарувидаги ўрни ҳақидаги ташаббуслари Ўзбекистонда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда муҳим ўрин тутмоқда.

БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили ўринбосари Анас Файяд Қарман эса демократик жараёнларни кучайтириш нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг барқарор тараққиёти учун долзарб эканини таъкидлади. Унинг фикрича, фуқаролик жамияти институтлари орасида инклюзивликни ошириш ва ижтимоий инновациялар тизимини жорий этишда халқаро ҳамкорлик ҳал қилувчи аҳамиятга эга. ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳа координатори Антти Карттунен ҳам фуқаролик жамиятлари ривожига эътибор қаратиб, фуқаролик жамияти ҳукумат ва аҳолидан ажралган ҳолда эмас, аксинча, аҳоли муаммоларини аниқлашда етакчи ўрин тутиши лозимлигини таъкидлади. Карттунен Ўзбекистонда самарали давлат



бошқаруви ва қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган динамик ислохотлар шароитида фуқаролик жамиятининг конструктив ва масъул ҳамкор сифатидаги ўрни ҳеч қачон бунчалик муҳим бўлмаганига урғу берди.

Швейцария ҳамкорлик ва ривожланиш агентлиги раҳбари ўринбосари Урсулла Келлернинг фикрича, Ўзбекистонда ННТларнинг сайловлар ва ҳокимиятлар бўлиниши принципини рўйбга чиқаришда фаол бўлиши, мамлакатда субсидиярлик, волонтерлик ва профессионаллиқни ошириш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Озарбайжон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Сиёсат ва сиёсий бошқарув кафедраси профессори Элшад Мирбашир ўғли ҳам Ўзбекистон тажрибасида жамоат ташкилотларининг давлат ижтимоий сиёсатини шакллантиришдаги иштирокини юқори баҳолади. Унинг сўзларига кўра, ННТлар аҳоли эҳтиёжларини ўрганиб, ўз хулосаларини давлат органларига тақдим этиши натижасида «Ўзбекистон – 2030» каби стратегик дастурлар янада такомиллашмоқда.

Франциянинг Европада истиқболлар ва хавфсизлик институти директори Эммануэль Дюпюи эса мамлакатнинг миллий қадриятларга асосланган сиёсий йўли халқаро тажриба билан уйғунлашаётганини, бундай ёндашув нафақат ички барқарорлик, балки минтақавий тинчликни таъминлашда ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганини билдирди.

«Marmara Group» стратегик ва ижтимоий тадқиқотлар фонди президенти Др. Аккан Сувер Ўзбекистонни Евроосиёнинг янги иқтисодий ҳақиқати ва имкониятларини намоён этаётган динамик давлат сифатида таърифлаб, Президент Мирзиёевнинг Марказий Осиёда ягона инвестиция ва савдо майдони яратиш ташаббусини келажақ учун аниқ стратегик йўналиш сифатида баҳолади.

Хулоса ўрнида ишонч билан айтиш мумкинки, 2017 йилда бошланган янгиланишлар Ўзбекистон ҳаётида навбатдаги сиёсий давр эмас, бу – халқимизнинг асрий орзу-умидларини ўзида мужассам этган, инсон қадрини ҳар нарсадан устун қўяётган, кучли ва адолатли фуқаролик жамиятига таянган ҳолда Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги дадил ва ортга қайтмас қадамлардир.

Бугун юртимизда давлат ва жамият ўртасида очиқ мулоқот мустаҳкамланди, жамоатчилик назорати кучайди. Фуқаролик жамияти институтлари стратегик шерикка айланиб, парламент ва маҳаллий Кенгашларнинг ваколат ҳамда масъулияти тобора ортиб бормоқда. Бу эса халқ манфаатлари, ижтимоий адолат, ҳисобдор давлат ва фаол жамият тамойилларига таянган демократик тараққиёт моделига хизмат қилмоқда.

Демак, Ўзбекистонда демократик институтлар янги давр оstonасида эмас, балки амалда янги босқичга қадам қўйганини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. ■